

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети**

**Ж. А. КУРБАНБАЕВ**

**МУТАХАССИСЛИК ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА  
ТАЛАБАЛАР НУТҚ ОМИЛКОРЛИГИНИ  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ  
(инглиз тилидаги Present Indefinite ва  
Present Continuous материалида)**

**Услубий қўлланма**

**НУКУС  
“Қарақалпақстан”  
2010**

**Курбанбаев Жавод Аминбаевич** “Мутахассислик олий ўқув юртларида талабалар нутқ омилкорлигини назорат қилиш (инглиз тилидаги Present Indefinite ва Present Continuous материалида)”: Услубий қўлланма. – Нукус: Қарақалпақстан — 2010 — 76 б.

Мазкур услубий қўлланма мутахассислик олий ўқув юртлари қуйи босқич талабаларининг инглиз тилидаги феълнинг Present Indefinite ва Present Continuous шакллари бўйича нутқ омилкорлигини назорат қилиш масаласига бағишланган. Услубий қўлланма олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчилари ва талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ундан ўқув жараёнида кенг фойдаланиш мумкин.

Услубий қўлланма Қорақалпоқ давлат университети Илмий-услубий Кенгашида муҳокама қилиниб, (№ 6 баённома, 2010 йил 30 июн) нашрга тавсия этилган.

**Масъул муҳаррир:** пед.ф.д., проф. Т.Қ.Сатторов

**Такризчилар:** пед.ф.д., проф. У.А.Алеуов,  
пед.ф.н., доц. Д.Д.Мамирбаева

ISBN – 978-9943-346-62-8

© Қарақалпақстан. 2010.

## **I. Хорижий тил таълимида талабалар нутқ омилкорлигини назорат қилиш ва унинг моҳияти**

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг илм-фан ва маданиятнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Бу борада амалга оширилаётган ислохотлар фуқароларни, айниқса замон талабларига мос ёш авлодни инсонийлик ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек муайян мақсадларга йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамиятга молик. Маънавият ва унинг миллий мезонларини қайта тиклаш, илмий салоҳиятни жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш жамият олдига янгидан-янги вазифаларни кўндаланг қўяди. Президентимиз И. А. Каримов эътироф этганидек, “... фақат замон билан тенг қадам ташлаётган, тез ўзгараётган дунёнинг қатъий шарт ва талабларига жавоб беришга интилаётган мамлакатнинг келажаги ёруғ бўлади”<sup>1</sup>.

Хорижий тил ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини тўғри белгилаш ҳамда ўқув жараёнини ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этадиган омиллар қаторига янги материални тушунтириш, унга оид машқлар ёки бошқа усуллар воситасида мустаҳкамлаш, яъни шу материал бўйича тил ўрганувчилар билим, кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш ҳамда нутқда тўғри қўллай билишини назорат қилиш каби масалаларни киритиш мумкин. Бинобарин, “назорат таълимнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, унинг илмий йўналтирилган тизимини ишлаб чиқмай, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш муаммосини ҳал этиб бўлмайди”<sup>2</sup>.

Ўқувчи ёки талабаларнинг билимини назорат қилиш барча фанлар, жумладан, хорижий тилларни ўқитишда ҳам кўпчилик методист-олимларнинг эътиборини тортиб келаётган масалалардан бири бўлиб, таълим жараёнида назорат ўқитиш тизимининг зарур қисми сифатида қаралади. Назорат мақсад ва вазифалари, объекти, шакли, усули ва унга тегишли барча хусусиятлар бевосита таълимнинг мақсад ва вазифалари

---

<sup>1</sup> Karimov I. A. O'zbekiston demokratik taraqqiyotning yangi bosqichida. – Toshkent: O'zbekiston, 2005. - B. 24.

<sup>2</sup> Настольная книга преподавателя иностранного языка. – Мн.: Вышэйшая школа, 2004. – С. 19.

асосида ташкил топади. Тажрибалар кўрсатишича, назорат масалалари бевосита таълим мақсади билан боғлиқ<sup>1</sup>.

Тил мутахассислик олий ўқув юртларида хорижий тил амалий грамматикаси қуйидаги мақсадларда ўқитилади:

1) Коммуникатив мақсад. Нутқ фаолияти турлари – тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзувнинг грамматик жиҳатдан тўғри бўлишини, нутқ вазиятига мос келувчи грамматик ҳодиса ва уларнинг мувофиқ шакллари қўллай олишни таъминлаш;

2) Бўлажак мутахассисларни хорижий тилнинг назарий грамматика курсини тинглашга тайёрлаш;

3) Бўлажак хорижий тил ўрганувчиларининг хорижий тил грамматикаси билан боғлиқ касбий малакаларини шакллантириш.<sup>2</sup>

Тажрибалардан маълумки, филологик олий ўқув юртларида чет тили амалий грамматикаси ўқитиш жараёнида фақат биринчи мақсадга эътибор қаратилади. Қолган икки мақсад таълим мазмуни доирасидан четда қолади ҳамда шу билан боғлиқ назорат объектига ҳам киритилмайди. Талабаларнинг назарий грамматикага тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида мазкур грамматик ҳодисаларнинг парадигматик шакллари ҳақидаги билимларини назорат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу боис биз ушбу услубий қўлланмада мутахассислик олий ўқув юртларида инглиз тили амалий грамматикасини ўқитиш мақсадларининг барчасини ўзида мужассам қилган назорат ва унга тегишли айрим масалаларни ёритишни режалаштирдик. Фикримизни инглиз тилидаги The Present Indefinite Tense (кейинчалик РІТ) ва The Present Continuous Tense (кейинчалик РСТ) материалида давом эттирамиз.

Талабалар нутқ омилкорлигини назорат қилишнинг лингвистик моҳиятини тил ва нутқ дихотомияси, тилнинг

---

<sup>1</sup> Теоретические основы методики обучения иностранным языкам в средней школе/А. А. Миролюбов, В. В. Краевский, В. С. Цетлин и др. / Под ред. А. Д. Климентенко, А. А. Миролюбова. – М.: Педагогика, 1981. – 418 с.

<sup>2</sup> Можина Т.М. Цели и задачи курса практической грамматики в языковом вузе.: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. - М.: МГПИИЯ. 1983. – С. 25.

услугий хусусиятлари, лисоний ҳодисалар қиёсий ва компаратив таҳлили, тил ҳодисалари қийинчиликлари ва уларнинг типологияси, интерференция ва транспозиция ҳодисалари каби масалалар ташкил этади ва мазкур масалаларга оид маълумотларни ҳисобга олиш назорат объектлари, функциялари, турлари, шакллари ва усулларини аниқлашда асос бўлиб ҳисобланади.

Чет тили фани бўйича талабалар нутқ омилкорлигини назорат қилишда дидактик тамойилларнинг барчаси ўз аксини топиши керак. Айниқса, назоратнинг талабалар билим, кўникма ва малакаларини баҳолашда назоратнинг ҳаққонийлик, табақали ёндашув, талабларнинг бир хиллиги тамойилларига риоя қилиш муҳим шартлардан биридир.

Назорат самарали бўлиши учун ҳар бир ўқитувчининг уни ташкил этиш, ўтказиш ва олинган натижаларни тўғри изоҳлашга пухта тайёргарлик кўришини тақозо этади. Шунингдек, талабаларга баҳо олиш учун ўқиш муҳим эмаслигини мунтазам равишда уқтириб бориш лозим, улар берган жавобнинг мазмун-моҳиятини кучайтириб бориш шарт. Шунинг билан бирга, асосийси, талабалар назоратни фақат баҳо ёки балл олиш эмас, балки уни рағбат, билимини янада оширишга интилиш воситаси сифатида тушунишлари ва қабул қилишларига эришиш лозим.

Маълумки, назорат таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми сифатида маълум функцияларни бажаради. Назорат функцияларини тўғри ташкил этиш таълим-тарбия самарасига улкан ҳисса қўшади. Бироқ соҳавий манбаларда назорат функцияларининг миқдори, уларнинг бир-бирига нисбатан аҳамиятлилик даражаси каби масалалар бўйича турли фикрлар учрайди. Назоратнинг адабиётларда ёритилган функциялари моҳиятини ўрганиш ва асосида талабалар нутқ омилкорлигини назорат қилишда қуйидаги функциялардан унумли фойдаланишни маъқул топамиз: таълимий, бошқарув, диагностик, тузатиш, ривожлантириш, огоҳлантириш, рағбатлантириш, баҳолаш, қайта алоқа ўрнатиш, умумлаштириш ва тарбиявий.

Назорат шакллари ўқув жараёнининг самарадорлиги ҳақида маълумот берувчи ва қайта алоқани таъминловчи диагностик ҳаракатларни амалга ошириш тизими ҳисобланади. Назорат шакллари куйидагича гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир: назорат вақтида синалувчиларнинг билиш ёки билмаслиги, яъни эътибор ва ихтиёрли бўлишига қараб: очик ва яширин; назоратда иштирок этувчилар миқдорига кўра: якка, жуфт, комбинациялашган, ёппа; топшириқларнинг нечта тилда берилиши: бир тилда, икки тилда; назоратнинг ўтказилиш шакли: оғзаки ва ёзма; назорат олдига қўйилган мақсадига кўра: продуктив ва рецептив нутқ фаолияти турларини текшириш.

Назорат объектлари масаласи хусусида ҳам илмий манбаларда яқдил фикр мавжуд эмас. Хусусан, назорат объектларини бирламчи ва иккиламчи тоифаларга ажратиш ҳам эътироф этилган. Мазкур таълимотга кўра нутқ омилкорлигини ташкил этувчи малакалар бирламчи, тил аспектига оид нутқ малакалари эса иккиламчи тоифадаги объектларга тааллуқлилиги эътироф этилади.

Чет тиллар ўқитиш методикасида талабалар нутқ омилкорлигини турли даражаларда назорат қилиш тавсия этилади. Мазкур тавсияга мувофиқ талабаларнинг нутқ омилкорлигининг грамматик томони: 1) грамматик механизмлар, 2) грамматик кўникмалар, 3) нутқ малакалари, 4) оғзаки нутқ компетенцияси<sup>1</sup> даражаларида назорат қилинади. Нутқ омилкорлигининг ҳар бир даражасида назорат ўзига хос объектларга эга. Грамматик механизмлар даражасида гап моделларини танлаш, сўз шакллари танлаш, сўз тартибини аниқлаш; грамматик малакалар даражасида: реконструкция, англаш, танлаш, ўрнини алмаштириш, шакллантириш; нутқ кўникмалари даражасида: гапларни фикран боғлаш, олдинги даражада кўрилган операция ва кўникмаларни яхлит ҳолга келтириш, гапларни мантиқан боғлаш; оғзаки нутқ

---

<sup>1</sup> Горчев А.Ю. Объекты и приемы контроля в обучении грамматической стороне устной речи // Контроль в обучении иностранным языкам в средней школе. Редактор-составитель В. А. Слободчиков. - М.: Просвещение, 1986. - С.19-28.

компетенцияси даражасида: тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув малакалари назорат объектлари сифатида фарқланади.

Таълим объектларини назорат қилиш самараси унга қўйилган талабларнинг қай даражада риоя қилинишига боғлиқ. Назоратни тўғри ташкил этиш ўқитувчидан мазкур талабларни билиши ва улардан тўғри фойдаланиш лаёқатини талаб этади.

Талабалар аудиториясида олиб борилаётган амалий машғулотлар давомида тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда инглиз тили грамматикасининг ўзига хос хусусиятлари, айниқса уларнинг она тилида учрамайдиган ва фарқ қилувчи ҳодисалар тил ўрганувчиларга ҳар хил даражада қийинчилик туғдиришига гувоҳ бўламиз. Лингводидактик қиёсий таҳлил натижасида инглиз тилидаги РІТ ва РСТ шакллари бўйича қуйидаги қийинчиликлар юқори даражадаги қийинчиликлар деб ҳисобладик:

РІТ бўйича:

1. Ушбу замон шаклининг бўлишли шаклида III шахс бирликдаги асосий феълга –(e)s қўшимчаси қўшилади. Ўзбек талабалари дуч келишлари мумкин бўлган асосий қийинчиликлардан бири бу қўшимчанинг қўшилишидир. Ўзбек тилида бундай ҳол йўқлиги бунга сабаб бўлади, яъни фақат III шахс бирликдаги феъл алоҳида ясалиш хусусиятига эга эмас. Шунингдек, асосий феълга –(e)s қўшилган вақтда орфографик ўзгаришлар содир бўлиши ҳам қийинчилик туғдиради.

М: to work - works                      to do – does  
to dry - dries                              to translate – translates

2. Бўлишсиз гапларда not инкор юкламасини to do кўмакчи феъли билан асосий феъл оралиғига жойлашиши:

М: I do not start working.  
Jamshid does not want to stay here.

3. Сўроқ шаклида to do кўмакчи феълининг эгадан олдин, бўлишсиз-сўроқ шаклда to do нинг эгадан олдинга чиқиб, not эса ва асосий феъл ўртасига жойлашиши:

М: Do you drink tea in the morning?  
Does Karim think about it?

РСТ бўйича:

1. Мазкур замон-тус шаклида асосий феълга –ing кўшимчасининг қўшилиши:

М: I am going to the Institute.

He is leaving for Tashkent.

2. Асосий феълга –ing сифатдош ясовчи кўшимчасини қўшиш пайтида бир неча орфографик ўзгаришлар юз беради ва талабалар қийинчиликка учрайдилар.

М: to take – taking to begin – beginning

to cut – cutting to tie – tying

3. Ушбу шаклнинг асосий хусусияти бўлган to be ёрдамчи феълнинг тусланиши ва to be феълнинг мос шакли асосий феълдан олдин келиши.

М: I am not learning Spanish.

Saodat is living in Samarkand.

4. to be ёрдамчи феъли ва асосий феъл ўртасида жойлашиши.

М: I am not doing my homework.

Abror is not working in the garden.

5. Сўроқ шаклида to be феълнинг эгадан олдинги чиқиши ҳамда бўлишсиз-сўроқ шаклида эса to be феълнинг эгадан олдинга, not юкламасининг эга ва асосий феъл ўртасига қўйилиши.

М: Am I explaining nonsense?

Is Tom walking there?

Are you not looking for it?

Is she not coming?

Ўзбек гуруҳлари талабалари учрайдиган қийинчиликлардан яна бири – инглиз ва ўзбек тилларидаги сўз тартибининг ҳар хиллиги. РІТ ва РСТни нутқда қўллаш вақтида талабалар қийинчиликларга учрашининг асосий сабаби – ушбу тилларнинг ҳар хил тиллар оиласига мансублиги ва тилларнинг ҳар бирига хос хусусиятларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Инглиз тилида гап қатъий белгиланган сўз тартиби қоидаси асосида тузилади. Бунда, масалан, бўлишли гапларда эгадан кейин кесим қўйилиши керак. Ўзбек тилида эса, барча туркий тиллардаги сингари, бўлишли гапларда кесим энг охири ўринда келади. Ёки инглиз тилидаги мазкур замон-

тус шаклларида қўлланилувчи таянч сўзлар – often, sometimes, seldom, usually, now, this time, constantly каби пайт равишлари кўпинча гап бошида ёки охирида қўлланади. Ўзбек тилида эса бундай таянч сўзлар эгадан олдин ёки кейин қўлланади.

M: Sometimes Karim goes to the library.

Карим ҳар замонда кутубхонага бориб туради.

Bob is watering flowers now.

Ҳозир Боб гулларга сув қуйяпти.

Бизнингча, ўзбек гуруҳлари талабаларининг инглиз тили грамматикасини ўрганиш жараёнида учрайдиган қийинчиликларни аниқлашнинг ўзи инглиз тилини ўзлаштиришда учрайдиган қийинчиликларни бартараф қилишнинг илк қадамидир. Шу билан боғлиқ, ўқитувчи тил қийинчиликларини ҳисобга олган ҳолда назорат ўтказиши мақсадга мувофиқ. Бунда, масалан, РІТни ҳосил қилишда гапдаги феълнинг III шахс бирликда ўзгаришга учраши назорат объекти бўлиши кутилади.

M: carry – carries

teach - teaches

РСТ билан ҳам шу ҳол кузатилади:

M: make – **making**

lie – **lying**

Шунингдек, РІТнинг бўлишли маънодаги шаклида N+V<sub>(s/es)</sub>, сўроқ гапларда do/does ёрдамчи феълнинг гап бошига қўйилиши ҳамда бўлишсиз гапларда not юкламасининг do/does ёрдамчи феълдан кейин келиши ҳамда РСТнинг сўроқ шаклида to be феълнинг эгадан олдига кўчиши ва бўлишсиз шаклда not инкор юкламасининг эга ва асосий феъл орасига қўйилиши аҳамият талаб этувчи ҳолдир.

Грамматик ҳодисанинг у м у м и й х у с у с и я т л а р и – масалан, РІТ ҳозирги замонда иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши ёки чиқмаслигини билдиради. Феълнинг бу шаклининг ўзига хос хусусияти – у иш-ҳаракатнинг бажарилиш фактига алоҳида аҳамият беради. РІТ нафақат нутқ сўзланаётган вақтда, балки умумзамонда содир бўладиган иш-ҳаракатларни ифодалашда;

РСТ эса нутқ гапирилаётган вақтда содир бўлаётган ёки бўлмаётган иш-ҳаракатни ифодалаш учун қўлланилади.<sup>1</sup>

Мазкур феъл шаклларининг қўлланиш ҳолларига эса алоҳида эътибор қаратиш лозим, чунки айнан шу жиҳатдан РІТ ва РСТ жуда мураккаб ҳисобланади. Бунда РІТнинг:

1. Доим такрорланиб турувчи иш-ҳаракатларни ифодалашида:

М: Karim **gets up** early every morning. His working hours **begin** at 9. 00.

2. Шахс ёки предметга хос бўлган тавсифловчи иш-ҳаракатни билдиришида:

М: He **looks like** a skinned rabbit with a huckered up old man's face. (E.H.)

3. Умумҳақиқат, умумзамон (Generic/Gnomic Present)ни билдиришида:

М: The Sun **rises** in the East.

4. Мақол ва маталларда афористик маъно ифодалашида:

М: Too many cooks **spoil** the broth.

Continuous шаклида қўлланилмайдиган, аммо нутқ жараёнида содир бўладиган ҳис-ҳаяжонни билдирувчи иш-ҳаракатларни ифодалашида:

М: But now we are happy and we **love** each other... (E.H.)

Яқин келаси замонда режалаштирилиб амалга ошириладиган иш-ҳаракатларни пайт равишлари ва ҳаракат феъллари қўлланган гапларни ифодалашида:

М: - When **do** you **go out** on the road again?, he inquired (T.D.).

Пайт ва эргаш гапларда келаси замонга тегишли иш-ҳаракатларни ифодалашда эргаш гап таркибида if, when, after, till, until, unless каби боғловчилар қатнашган гапларни ифодалашида:

М: If I **don't** **get** something pretty soon, I think, I'll go home (T.D.).

---

<sup>1</sup> Барноходжаева Х.С. Настоящее время изъявительного наклонения в английском языке и его соответствия в узбекском языке.: автореф. дисс. ... канд. фил. наук. - Ташкент: ТГПИИЯ. 1958. С. 9.

We shall have a free time until our instructor **returns** from Samarkand.

5. Ўтган замонда содир бўлган иш-ҳаракатларни жонлироқ қилиб кўрсатиш учун РІТ шакли (Dramatic ёки Historic Present) қўлланилишида:

М: ... the walk along the shore where I used to take her until she got too ill. Wherever I **go** it's the same thing: every market girl **comes up** to me with bunches of flowers – as if I wanted them now ... (V.).

РСТнинг:

- иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган вақтда юзага чиқаётганлиги, ҳануз давом этаётганлиги ёки юзага чиқмаётганлигини ифодалашда;

М: You **are talking** like a child. (J. G.)

- кун, ой, йил давомида рўй бераётган иш-ҳаракатларни билдиришда;

М: ... we **are suffering** for the sign of the world... (P. A.).

- яқин келажакда содир бўладиган иш-ҳаракатни ифодалаш учун гапда to go, to come, to stay, to leave, to begin, to start каби ҳаракат феълларидан бири қатнашиб келиши;

М: The ships **are coming** in for rescuits. (I. A.)

- предметни тавсифловчи ҳар доим бўлиб турадиган иш-ҳаракатларни билдириши;

You **are doing** again mistakes in your speech, Tom.

ҳис-ҳаяжонни янада кучайтириш мақсадида гапда to feel, to see, to think каби ҳис қилиш, идрок этиш феълларининг қўлланилиши ҳоллари эътибор талаб қилиши муқаррар.

М: How **are you liking** it?

Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларини тайёрловчи олий таълим муассасаларида амалий грамматикани ўқитиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда биз амалий грамматикани назорат қилиш объектлари қаторига охирги мақсадга тегишли бўлган талабаларнинг касбий тайёргарлигини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Негаки, бўлғуси педагогларни талабалик давридан бошлаб касбга йўналтириш ўқув жараёни ва умуман таълим тизимининг самарадорлигига олиб келади.

Талабаларнинг амалий грамматика машғулотларида шаклланувчи касбий малакалари ва шу билан боғлиқ назорат объектлари қаторига қуйидагиларни киритамиз:

- грамматик ҳодисанинг ясалиши ва ишлатилишига намуна, мисол танлаш;
- грамматик материал устида мустақил ишлаш;
- грамматик материал юзасидан кўрғазмали қурол тайёрлаш;
- чет тили грамматикаси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;
- грамматик ҳодисаларнинг ишлатилишини кўрсатиш учун бадиий адабиётдан мисоллар топиш;
- грамматик хатони сезиш;
- чет ва она тили грамматик ҳодисаларини қиёслаш, улар ўртасидаги фарқ, ўхшашликни аниқлаш.<sup>1</sup>

Мазкур касбий малакалар даражаси ҳар хил турдаги машқлар (грамматик ҳодисанинг қўлланиш ҳоллари, унинг ясалишини изоҳлаш, тўғри топиш кабилар) бажаришда намоён бўлади ва баҳоланади. Шунингдек, иш (ролли) ўйинлар орқали ҳам касбий омилкорликни аниқлаш ва баҳолаш мумкин.

Билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш объектларига талабалар билган, аммо айрим вазиятларда қўллай билмайдиган тил бирликларини ҳам киритиш мумкин.<sup>2</sup>

Талабаларнинг амалий грамматика бўйича нутқ омилкорлигини назорат қилишда блоклар методи/блокли назорат, тест, иш (ролли) ўйинлари, тил эгаллашнинг Европа тажрибаси асосида портфолио баҳолаш усули кабиларни кенг қўллаш мумкин.

## **II. Назорат ўтказишда блоклар методи**

Мутахассислик олий ўқув юртлари қуйи босқичида инглиз тили грамматикаси бўйича айрим гаплар ва жумлаларда хатоларни бартараф этиш мақсадида ҳамда назоратнинг

---

<sup>1</sup> Саттаров Т.Қ. Мутахассислик бўйича амалий машғулотларда бўлажак чет тил муаллимининг касбий–услубий малакаларини шакллантириш (инглиз тили материалида): пед. фан. докт. ... дис. – Тошкент, 2000 – Илова 2-3 б.

<sup>2</sup> Юсупов У.К., Валиева М.И. К вопросу об объектах контроля усвоения лексики // Иностранные языки в вузах Узбекистана - № 587. Ташкент, 1979. – С. 153.

ишончлилигини ошириш учун унинг блоклар методидан фойдаланиш мумкин.

Блокли назоратни қисқа фикр ўрнида қўлланиладиган ва синтактик жиҳатдан тўлиқсиз гап билан аниқланадиган грамматик тузилиш ҳамда коммуникатив қийматга эга таркиб сифатида изоҳлаш мумкин. Бу ерда гапнинг бир бўлаги (эга, кесим ёки унинг қисми – тўлдирувчи ва ҳол)дан ташкил топган тўлиқсиз гаплар ҳақида фикр юритилмоқда.<sup>1</sup>

Блокли назоратдан олдин талабалар бундай назорат асосида нутқий ифоданинг ташкилий қисмлари бўлган гап бўлаклари ҳақида мукамал тасаввурга эга бўлишлари керак.

Юқорида тилга олинган методикага биноан гап маълум блоклар йиғиндиси сифатида изоҳланади. Уларнинг орасида субъект (S) ва предикатив (P) турдагилари мажбурий равишда бўлиши даркор. Факультатив блоклар таркибига воситали, воситасиз ва предлогли тўлдирувчи кўринишидаги объектив блок (O) ҳамда ўрин-жой, пайт, сабаб, ҳолат ва мақсад ҳоллари билан ифодаланган адвербал (ҳолат) блоки (Adv.) ҳам киритилади.

Шундай қилиб, содда ёйиқ гапнинг чизмасини қуйидагича ифодалаш мумкин: S + P + O + Adv.

Ўқитувчи модел асосида мисол келтиради:

Mr. Smith listens to the world news every morning.

Талабалар модел асосида ўзларининг мисолларини тузадилар. Мазкур ҳолатда ўқитувчи РІТ замон шаклини қўллаган ҳолда талабаларнинг бўлишли гап тузиш малакасини назорат қилади. Бунда талабалар қисмларга ажратилмаган ва тилларо ва тил ички интерференцияси натижаси бўлмиш қуйидагича қийинчиликларга дуч келмоқда: она ва чет тилида гап тартибининг фарқланиши ва ўзгариши, III шахс бирликдаги феълга –(e)s қўшимчасининг қўшилиши, “every morning” пайт равишининг гапдаги ўрни кабилар.

Блоклар ёрдамида назорат қилишни талабалар билан чет тилида савол-жавоб шаклида кенгайтириш мумкин. Кўп

---

<sup>1</sup> Иванова Н.Н. Объекты поэтапного контроля грамматического контроля грамматического оформления высказывания // Вопросы организации контроля при обучении иностранному языку в неязыковом вузе. Выпуск 322. - М., 1988. – С. 72-78.

ҳолларда талабаларни муносабат билдиришга ундайдиган ўқув жараёнидаги ҳаётий вазиятлардан фойдаланилади. Талабалар жиддий қийинчиликларга учраган ҳолларда алоҳида блоклар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини такрорий равишда ўрганиш мумкин.

Муҳим диагностик қимматга эга блокни назорат туфайли назоратнинг қайта алоқа ўрнатиш функцияси ёрдамида талабалар йўл қўйган хатолар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади ҳамда уларга тез барҳам берилади. Асосийси, талабаларнинг тайёр бўлмаган нутқида йўл қўйиладиган хатоларни олдини олишда самарали ҳисобланади, чунки у нутқий малакаларнинг юқори даражада шаклланишига олиб келади.

### **III. Тест - педагогик назоратнинг инновацион усули**

“Тест” атамаси инглизча *test* – синов, текшириш маъноларини билдириб, ҳар қандай шахснинг психофизиологик ва шахсий хусусиятлари, интеллектуал ривожланиш даражаси, қобилияти, шунингдек, билим, малака ва кўникмаларини текширишда қўлланилувчи стандартлаштирилган топшириқлар мажмуаси ҳисобланади.

Республикамиздаги олий ўқув юртларига талабаларни қабул қилиш 1992 йилдан бошлаб тест синовлари орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди. Йиллар давомида тест ва уни ўтказиш технологияси такомиллаша борди, ўзининг бир қанча ижобий томонларини кўрсатди. Натижада ўқув масканларида ўқув жараёнининг барча босқичларида ўқувчи ва талабаларнинг билиш даражасини аниқлашда анъанавий назорат усуллари билан биргаликда тест қўлланила бошланди.

Мавжуд педагогик ва психологик манбаларда тестлар мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- Умумий ақлий қобилият ва ривожланишни аниқловчи тестлари;
- Турли хил фаолиятда (вазиятда, соҳада) махсус қобилиятни аниқловчи тестлари;
- Ўзлаштириш, билиш даражасини текширувчи тестлар;

- Шахснинг ўзига хос жиҳатларини (хотира, характер, фикрлаш кабилар) аниқловчи тестлари;
- Шахснинг маданиятлилигини (умуминсоний, ижтимоий ва бошқа сифатлар) аниқловчи тестлар.<sup>1</sup>

Ўқувчи ёки талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тест синовлари ўқув материали бўйича таълим олувчиларнинг билиш қобилиятини белгилашда аниқ маълумотлар беради. Хорижий тиллар бўйича ўтказиладиган тестлар лингводидактик тестлар деб юритилиб, уларда тил ўрганувчиларнинг тил (лексика, грамматика ва фонетика) материали ва нутқ омилкорлигини қўллаш даражаси турли босқичлар учун махсус ишлаб чиқилган алоҳида мезонлар орқали аниқланади.

Ўзлаштиришни текширувчи тестлар шаклига кўра яқка, гуруҳ билан ишлаш учун мослаштирилган, оғзаки ёки ёзма, компьютер орқали ўтказиш учун кўзланган каби турларга бўлинади.

Хориж тестологиясида талабаларнинг чет тилида самарали сўзлашувни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш бўйича асосан иккита тенденция кўзга ташланади. Биринчиси, талабаларнинг ўз ҳаракатида бажаришини (гапиришни) назарда тутуди ва бевосита уларнинг сўзлашуви баҳоланади. Иккинчи усулда уларнинг баҳоланиши билвосита амалга оширилади, яъни бунда назорат объекти сифатида уларнинг умумий ҳаракати эътиборга олинади (тил бойлиги, сўзларни ишлата билиши). Сўзлашув ҳаракатини бевосита баҳолашда интеграл тестлардан, билвосита баҳолашда эса дискрет (объект – тил бойлиги) ва интеграл (объект – сўзлашув қобилияти) тестлар қўлланилади.<sup>2</sup>

Дискрет тестлар турлари, оғзаки сўзлашувнинг самаралилигини текшириш мақсадида мустақил тарзда ёки катта тестнинг бир қисми сифатида ишлатилиши жуда кенг

<sup>1</sup> Подласый И.В. Педагогика. Новый курс. - М.: Владос, 2003. - С. 558.

<sup>2</sup> Аствацатрян М.Г. Определение уровня владения иноязычной продуктивной речью (зарубежный опыт тестирования // ИЯВШ. – М.: 1987. - №20. - С.29-37.

тарқалган усулдир. Унинг ижобий томони шундаки, сўз бойлиги танлаб олинади, ҳамма синалувчини тенг баҳолаш имконини берадиган бир хил ҳажм ва тузилиш соддалиги билан изоҳланади.

Интеграл тестлар сўзлашув ҳаракатининг у ёки бу кўринишини текширишга қаратилган бўлиб, бунда баҳолаш куйидагича амалга оширилиши мумкин: а) талабани маълум сўзлашув ҳаракати кўринишига жалб этиш, б) унинг алоҳида қобилиятларини ёки бошқа турдаги сўзлашув ҳаракатларини ўзлаштирганлигини текшириш.

Интеграл тест турлари куйидаги афзалликларга эга:

1. Баҳолаш мезони сифатида унинг синалувчи томонидан тайёрланган матн эътиборга олинади, яъни ундаги элементлар эмас. Топшириқ айнан матннинг яратилишига йўналтирилади.

2. Бошқариладиган тест-интервьюда барча синовдан ўтувчиларга ҳажми (реплика сони) мураккаблиги жиҳатидан бирдек материал берилади.

3. Тестлар олдиндан ишлаб чиқилган мезонлар (criterion-referenced measured) асосида синалувчининг ҳаракатини баҳолаш имконини беради. Бу маълум синалувчилар гуруҳидан олинган натижалар қиёси асосида баҳолашни (norm-referenced measure) амалга оширишдан фарқ қилади<sup>1</sup>.

Шу жумладан, интеграл тестларга куйидаги камчиликлар ҳам хосдир:

1. Синалувчиларни баҳолаш олдиндан тайёрланган мезонлар асосида бажарилса ҳам назорат ўтказувчининг субъективлиги сақланиб қолади.

2. Тест муаллифи тақдим этадиган объект ва унинг асл ҳажми кўпинча мос келмайди, бу эса мазкур тестнинг яроқлилигига шубҳа уйғотади.

3. Имтиҳон олувчи томонидан синалувчининг нутқ тезлиги бошқарилса ҳам, интеграл тестларни ўтказиш кўп вақтни талаб қилади ва шу нуқтаи назардан бундай тестлар қулай эмас. Бу борада дискрет тестлар анча афзалликларга эга.

---

<sup>1</sup> Ingram E. Basic Concepts in Testing // The Edinburgh Course in Applied Linguistics. Vol. 4: Testing and Experimental Methods. - London, 1977. - P. 26-27.

Булар хориж тест ўтказиш тажрибасига ижодий ёндашиб, уларнинг ижобий томонларини қўллашимиз мумкинлигидан далолат беради.

Ҳозирги пайтда юртимиз таълим тизимида кўпинча якка, гуруҳ бўлиб ишлашга ва компютерда ўтказишга мўлжалланган тест синовлари кенг қўлланилади.

Ўқув жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш даврида компютер калит вазифасини бажаради ва у ёки бу вазиятларда ўқитувчининг ўрнини ҳам босиши мумкин. Шунинг билан бирга талабалар олган билим, кўникма ва малакаларини компютер ёрдамида назорат қилиш ўқув жараёнида бир қатор афзалликларга эга эканлигини кўрсатди. Мутахассислар фикрича, компютерда назорат ўтказиш куйидаги қулайликларга эга:

- 1) Фойдаланиш учун ўта қулайлиги;
- 2) Вақтни тежайди;
- 3) “Қоғоздаги тест” камчиликларининг йўқлиги;
- 4) Таълим олувчиларнинг барчаси бир хил шароитда тест топшириши билан боғлиқ назоратнинг максимал ҳаққонийлиги кузатилиши;
- 5) Назоратнинг барча (жумладан ўз-ўзини назорат қилишни ҳам) турларида қўллаш мумкинлиги;
- 6) Босма вариантда қўллаш учун мослиги;
- 7) Шпаргалкадан фойдаланишга имкон бермаслиги;
- 8) Тест жараёни самарасини мунтазам ошириб боришга имкониятлар мавжудлиги<sup>1</sup>.

Юқорида зикр этилган компютер тести афзалликлари ўқитувчи ва талабалар учун бундай тестларнинг осон ва қулайлиги педагогик назоратнинг самарали усули эканлигидан далолат беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўқув жараёнида тузилган ҳар қандай тест саволлари ўқувчи ва талабаларнинг билимини холисона баҳолашга асос бўлавермайди. Чунки, тест тузишнинг ўзи “– сермашаққат меҳнат бўлиб, мутахассисдан ўз

---

<sup>1</sup> Непомнящая С., Хохлова Т., Абалихина Е. Компьютерное тестирование: плюсы и минусы (к вопросу о методике использования в учебном процессе) // Вестник высшей школы. Almamater. – Москва, 2006. - № 6. – С. 9-14.

соҳасининг билимдони ва ўрганувчиларнинг психологияси бўйича фундаментал билим ва кўникмаларга эга бўлишини талаб қилувчи фаолият ҳисобланади”<sup>1</sup>.

Тест тузишда, авваламбор, топшириқлар фан бўйича давлат таълим стандартига мос келиши ва кенг қамровли бўлишига эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, тест тузишда яна қуйидагиларга аҳамият бериш керак:

- ДТСда акс эттирилган талабалар билим, кўникма ва малакалари ҳамда босқичларга қўйилган талабларга мос келиши;

- савол ва жавобларнинг қисқа, лўнда ва равон бўлиши;

- саволларнинг фақат бир тўғри жавобни талаб қилиб тузилиши;

- жавобларнинг мазмунли бўлиши;

- материалга оид ҳар хил мураккаблик даражасидаги топшириқларнинг мавжудлиги;

- тест синовлари орқали назорат функцияларининг (масалан, диагностик, таълимий, тарбиявий ва бошқа) тўғри амалга оширилиши;

- фанлараро ўзаро боғлиқликнинг таъминланиши;

- берилган топшириқлар билан уларга ажратиладиган вақт миқдорининг тўғри келиши;

- кўп вариантли тестларда ва турли босқичларда топшириқлар мураккаблигини ҳисобга олиниши;

- назоратнинг ҳар хил турларида ўтказиладиган тест синовларида савол ва жавобларнинг такрорланмаслигини таъминлаши.

Юқорида таъкидлаб ўтилган умумий талабларга риоя қилинган ҳолда пухта тузилган тест топшириқлари талабаларнинг ҳақиқий билими, тафаккури, ижодий қобилиятини, шунингдек бунга қўшимча равишда, ўқитувчининг фаолиятини ҳам аниқлаш имконини беради. Бу орқали ўқитувчи нималарга кўпроқ аҳамият бериш кераклиги, тил ўрганувчиларга қайси материал қай даражада қийинчилик

---

<sup>1</sup> Кречетников К.Г. Проектирование креативной образовательной среды на основе информационных технологий в вузе. М.: Госкоорцентр, 2002. - С. 188.

туғдираётганлигини англаб етади, шубҳасиз, кутилган натижаларга эришишга замин яратади.

#### **IV. Иш (ролли) ўйинлари ёрдамида талабалар нутқ омилкорлигини назорат қилиш**

Маълумки, хорижий тил таълимида талабалар оғзаки нутқ фаолиятини назорат қилиш мақсадида ҳар хил ўйинлар ташкил қилинади. Оғзаки нутқнинг грамматик механизмларини ҳамда талабаларнинг касбий-педагогик малакаларини назорат қилиш мақсадида турли хил ўйинларни амалий грамматика машғулотларида назоратнинг самарали усули сифатида қўллаш мумкин. Мисол тариқасида муҳокама, тақдирот, иш (ролли) ўйинлар, мавзу, вазият ёки расм асосида гапириш (оғзаки тасвирлаб бериш), ўқиб маълумот олинган материални гапириб / айтиб бериш кабилар. Назоратнинг бундай ташкил қилиниши, биринчидан, талабаларда фанга бўлган қизиқиш, мотивацияни янада кучайтириш, иккинчидан, назоратнинг психологик томондан талабаларнинг фақат “хатоларини текшириш”, яъни камчиликларни топиш воситаси бўлиш даражасини камайитириши, учинчидан, назоратнинг қарийб барча функцияларининг тўлиқ амалга оширилиши, тўртинчидан, гуруҳ талабаларининг барчасини бир вақтнинг ўзида назорат қилиш имконини беради, ва ниҳоят, бешинчидан ва асосийси, тил ўрганувчиларнинг нутқ омилкорлиги ошишига хизмат қилади.

Иш ўйинларида талабаларнинг касбий фаолият шартларини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Ўйиннинг бу тури, авваламбор, бўлажак мутахассиснинг касбий фаолиятининг асосий жиҳатларини аниқлайди<sup>1</sup>.

Ҳар бир ўйинда маълум бир мавзуга оид ҳар хил роллар қатнашиши мумкин. Масалан, ўқитувчи ва унинг талабалари, аудиториядаги ҳар қандай ҳолат, масалан, дарс ўтиш, мустақил ишлашни ташкил қилиш, интернетдан материал топишни уюштириш учун ўқитувчи, талабалар, ота-оналар, методист-

---

<sup>1</sup> Настольная книга преподавателя иностранного языка. – Мн.: Вышэйшая школа, 2004. – 522 с.

эксперт, педагог-эксперт, кафедра мудирри, декан муовини каби роллар; бирор бир машхур шахс (ўқув муассасидаги тажрибали профессор, методист-ўқитувчи) билан учрашувни уюштиришда таклиф қилинган талабалар, экспертлар каби роллар талабаларга бўлиб берилади.

Бундай иш ўйинларида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари гуруҳ бўйича, якка, босқичли ва якуний баҳолаш тизимида баҳоланиши лозим.<sup>1</sup> Ўйин ҳаракатлари балллар ёрдамида баҳоланади.

Ўйин ҳаракатларини баҳолашнинг асосий мезонларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- қатнашувчиларнинг касбий омилкорлиги;
- ҳамкорлик фаолияти ва унга мос келувчи чет тилидаги мулоқотнинг самарадорлиги;
- ўйинда чет тилида шаклланган амалий билим, кўникма ва касбий малакалар;
- ўйин қатнашувчиларининг ҳар хил касбий ва нутқий муаммоларни ҳал қилиш лаёқати;
- ролни тўлиқ ва сифатли ижро этиш;
- вазифаларни ечишга ижодий ёндашиш;
- касбий фикрлашининг шаклланиши;
- тажрибалилик;
- мустақил таълим даражаси;
- касбий интизом ва мулоқот маданияти.

Мазкур мезонларнинг ҳар бирига биз мисол тариқасида максимал 1,5 балл ва жами 15 балл қўйиш мумкинлигини таъкидлашимиз мумкин. Бунда амалдаги рейтинг тизимида асосланиб, амалий грамматикага ажратилган ҳар бир ОЎга максимал 15 балл ва уни қуйидаги кўрсаткич келиб чиқади:

- 12,9 – 15 – аъло,
- 10,6 – 12,8 – яхши,
- 8,3 – 10,5 – қониқарли,
- 0 - 8,2 – қониқарсиз.

Кўриниб турганидек, назоратнинг бундай усулида бир вақтнинг ўзида гапириш, ўқиш, тинглаб тушуниш ва ёзув

---

<sup>1</sup> Ўша манба. 257 б.

(фикрни ёзма ифодалаш, саволлар тузиш) кўникмалари шаклланади ва қисқа вақт ичида уларни назорат қилиш имконияти берилади.

Ўйин тугагач, унинг натижалари ўқитувчи ва барча иштирокчилар томонидан муҳокама қилинади. Бундай муҳокамалар талабалар томонидан йўл қўйилган хатолар ва уларнинг таҳлили эмас, балки коммуникатив муаммоларини ечишга ёрдам беради.

## **V. Портфолио баҳолаш тизими**

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмида «чегарасиз Европа» концепциясининг пайдо бўлиши билан чет тилларининг инсоният ҳаётида тутган ўрнининг янада муҳимлиги яққол сезила бошлади. Мазкур концепция асосида мутахассислар томонидан «Хорижий тилларни эгаллашнинг умумевропа баҳолаш тизими» лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Европанинг кўпчилик давлатлари таълим тизимида тажрибадан муваффақиятли ўтди. Лойиҳада хорижий тилларни эгаллаш даражасининг баҳолаш тизими ҳар бир босқич, даража учун тинглаб тушуниш, ўқиш, оғзаки мулоқот (диалог), монолог ва ёзув бўйича мезонлар алоҳида ишлаб чиқилган. Лойиҳанинг инглиз тилидаги варианты 1996 йилда “Common European Framework of Reference for Languages: Learning, Teaching, Assessment” номи билан Страсбургда чоп қилинган. Лойиҳада коммуникатив омилкорлик таълимнинг мақсади сифатида қаралиб, унда тил эгаллаш даражаси параметр ва мезонлари ишлаб чиқилган.

Европа Кенгашининг мазкур ҳужжати хорижий тилларни ўқитишда ёндашувларни тизимлаштириш ва тил эгаллаш даражаларини баҳолаш стандартларини ўзида мужассам этган. Лойиҳанинг асосий мазмуни қайси давлатда олий ёки умумтаълим мактабида, ёки шахсий тайёрлов курсларида ва қандай усуллар орқали чет тили ўрганилишига қарамасдан, барчага тушунарли бўлган ўрганиш предмети, шунингдек, билиш даражасини тасвирлаш ва баҳолаш учун махсус стандарт ишлаб чиқиш ҳисобланади. Натижада стандарт категорияларни қўллаган ҳолда тил эгаллаш даражаси тизими

ва шу даражаларни тасвирлаш параметрлари ишлаб чиқилган. Бу икки мажмуа яхлит тушунчалар тармоғини ташкил қилиб, улардан ҳар қандай тилни ўқитиш мақсадидан бошлаб то таълимнинг самарадорлигига эришилгунга қадар фойдаланиш мумкин.

